

Жиноят иши № [REDACTED]
Маърузачи [REDACTED]

Биринчи инстанция судида
судья: [REDACTED]

**[REDACTED] ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ
ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И**

2025 йил 8 январь куни, [REDACTED] вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик қилувчи: [REDACTED],

Ҳайъат судьялари: [REDACTED] иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси [REDACTED] котиблигида, прокурор [REDACTED], судланувчи XXX ва XXXX, ҳимоячи [REDACTED] иштирокида, жиноят ишлари бўйича [REDACTED] туман судининг 2024 йил 16 октябрдаги ҳукмига кўра:

[REDACTED]

[REDACTED]



нисбатан чиқарилган ҳукмга судланувчи XXX ва XXXXнинг апелляция тартибидаги шикоятларига асосан жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи XXXX, 2022 йил июль ойидан бошлаб, Давлат кадастрлар палатаси [Redacted] вилоят бошқармаси Кўчмас мулк объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлими бош мутахассиси вазифасида ишлаб келиб, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиб, Давлат кадастрлар палатаси [Redacted] вилоят бошқармаси [Redacted] [Redacted] туман филиали кадастр муҳандиси XXX ва тадбиркор [Redacted] билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашиб, ўзаро келишувига кўра, XXXX кадастр муҳандиси XXX томонидан [Redacted] туман ҳокимининг 30.07.2018 йилдаги 1768-сонли қарори асосида фуқаро [Redacted] номига 02.05.2023 йилда расмий ҳужжат ҳисобланган, кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи кадастр йиғмажилдига била туриб, сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиб, ушбу қалбаки маълумотлар асосида тайёрланган кадастр йиғмажилдини маълумотларини тўлиқ текширмасдан, ўрганмасдан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.12.2018 йилдаги 1060-сонли қарор билан тасдиқланган “Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 13-бандида “Рўйхатдан ўтказувчи кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишда ариза ва ушбу кўчмас мулк объектига кадастр ҳужжатларини ўрганиш, уларни Реестрда мавжуд ахборот билан

таққослаши, кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқлар ҳамда кўчмас мулк объектига бўлган бошқа ашёвий ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос мавжудлигини, унинг юридик ёки жисмоний шахсга ўтказилишининг қонунийлигини аниқлаши” - лозимлиги белгилаб қўйилган бўлсада, мазкур низомнинг ушбу талабига амал қилмасдан, низом талабларини бузиб, унга зид равишда фуқаро [REDACTED] томонидан магистрал йўлнинг ҳимоя ҳудудидан ободонлаштириш учун ажратилган (2,5x33) 82,5 кв.метр ер майдонига ноқонуний равишда қурилиш ишларини амалга оширганлигини билган ҳолда ғаразғўйлик ва бошқа манфаатларни кўзлаб, кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишда кадастр ҳужжатларини ўрганмасдан, уни Реестрда мавжуд ахборот билан таққосламасдан, кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос мавжудлиги ва қонунийлигини аниқламасдан, 30.05.2023 йилда расмий ҳужжат ҳисобланган, кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш Реестрига била туриб, сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиб, ушбу қалбаки маълумотлар асосида [REDACTED] номига [REDACTED] тумани, “[REDACTED] МФЙ, “М-39 [REDACTED]” автомагистрал йўли шоҳ кўчаси 979-уй манзилида кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиб бериб, Реестр қалбакилаштирилганлигини билган ҳолда тақдим қилган.

Ўз навбатида [REDACTED] ушбу қалбакилаштирилган сохта кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш Реестри билан 07.07.2023 йилда “[REDACTED] [REDACTED]” МЧЖ риелторлик ташкилоти томонида тасдиқланган олти-сотди шартномаси асосида кўчмас мулкни бегоналаштиришга эришган.

Судланувчи ХХХ шикоятда, суднинг ҳукмидан норози бўлиб, қилмишида ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди аломатлари ва таркиби бўлмаганлиги сабабли ушбу модда бўйича оқлашни сўраган.

Судланувчи ХХХХ шикоятда, суднинг ҳукмидан норози бўлиб, қилмишида ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди аломатлари ва таркиби бўлмаганлиги сабабли ушбу модда бўйича оқлашни сўраган.

Апелляция инстанцияси суди, судья [REDACTED] маърузасини, прокурор [REDACTED] суднинг ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция тартибидаги шикоятларини қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги, ҳимоячи [REDACTED], судланувчи ХХХ ва ХХХХларнинг апелляция тартибидаги шикоятларини қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб,

қуйидаги асосларга кўра, суднинг ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятларни қаноатлантиришсиз қолдиришни лозим топди.

Апелляция

инстанцияси судида судланувчи ХХХ, Давлат кадастрлар палатаси [REDACTED] туман бўлими кадастр мутахассиси вазифасида ишлаб келишлиги, хизмат вазифаларига кадастр паспортини шакллантириш ва бошқалар киришлиги, вилоят прокуратурасининг топшириғи билан “М-39” автомагистрал йўли бўйида жойлашган [REDACTED] туман қисмидан ўтувчи нотурар ва турар жой объектлари қонунийлигини ўрганлиги юзасидан тузилган маълумотнома билан танишиб чиққанлиги, маълумотномада [REDACTED] тумани ҳудудидан ўтган М-39 автомагистралининг атрофида жойлашган 73 та кўчмас мулк объектлари ҳужжатлар асосида ўрганиб чиқилганлиги, 9 та ҳолатда туман ҳокимининг ер ажратиш қарорлари билан юридик ва жисмоний шахсларга электрон онлайн-аукцион орқали бермасдан, тўғридан-тўғри ер майдонлари ажратиб берилганлиги қайд этилганлиги, 11 та ҳолатда ер майдони ажратишда, кадастр ҳужжатларини расмийлаштиришда М-39 автомагистралининг муҳофаза зонаси асоссиз қўшиб юборилганлиги, ер ажратиш қарорига асосан ортиқча ер майдонларини кадастр ҳужжатларига қўшиб юбориш ҳолатлари аниқланганлиги, фуқаро Сагдуллаев Умидга кадастр ҳужжатини расмийлаштиришда ер ажратиш қарорига илова қилинган харитага амал қилмасдан 0,25 (12,5x200 метр) гектар, яъни 500 кв.м ер майдони асоссиз қўшиб юборилганлиги қайд этилганлиги, [REDACTED] тегишли бўлган бино иншоотга кадастр ҳужжатлари расмийлаштириб берилганлиги [REDACTED] туман ҳокимининг 30.07.2018 йилдаги 1768-сонли қарорига асосан умумий овқатланиш ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шаҳобчаси қуриш учун жами 0,64 гектар ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилганлиги, [REDACTED] кадастр ҳужжатларни расмийлаштириб беришни сўраб ёзган аризаси Давлат хизматлари орқали келиб тушганлиги ва жойига бориб, кўриб, ўрганиб, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириб берганлиги, туман ҳокимининг қарорига кўрсатилган майдонни қарорга илова картага қараб, расмийлаштириб берганлиги [REDACTED] ер ажратиш қароридан унга 64 сотих ер майдони ажратилганлиги, лекин амалда фойдаланиб келаётган ер майдони 25 сотих эканлиги, расмийлаштириб берган ер майдони қарорда илова картасида кўрсатилган 64 сотих ер майдонини ичида бўлганлиги сабабли унга 25 сотих ер майдонини бино-иншоотига кадастр ҳужжатларини расмийлаштириб берганлиги, ҳужжатида 5 сотих ер майдони қўшиб бермаганлиги, аксинча қарорда

қўрсатилган 64 сотих ер майдонидан 25 сотихга кадастр хужжат қилиб берганлиги, вилоят прокуратурасида тақдим қилинган хизмат текшируви хулосаси билан танишиб чиққанлиги, [REDACTED] ер участкасини кадастр хужжатини тайёрлашда Вазирлар Маҳкамасининг 22.06.2021 йилдаги 389-сонли қарори билан тасдиқланган “Кучмас мулк объектларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 14-банди талабларига амал қилмасдан фуқаро [REDACTED] томонидан магистрал йўлнинг ҳимоя ҳудудидан эгалланган 82,5 м2 ер майдони кадастр йиғмажилдига қўшиб берилган деб қўрсатилганлиги, [REDACTED] ер майдонига кадастр паспортини тайёрлаш давомида уни ўзи томонидан эгалланган 82,5 м2 ер майдони кадастр йиғмажилдига қўшиб берилганлиги, сабаби уни ҳақиқатдан фойдаланиб келаётган ер майдонига нисбатан хужжат тайёрланганлиги, кадастр йиғмажилдида [REDACTED] томонидан эгаллаб олинган ер майдони, яъни 82,5 м2 ер майдони ўзимбошимчалик билан эгалланган майдон деб қўрсатиши керак бўлганлиги, лекин хужжатда ўзбошимчалик билан эгалланган деб қўрсатмаганлиги, [REDACTED] томонидан 2023 йил апрель ойида кадастр паспортини шакллантириш учун Давлат хизматлари орқали мурожаат қилинганлиги, қарор 30.07.2018 йилда қабул қилинган бўлсада, у 5 йилдан кейин мурожаат қилганлиги ва қарор қонуний кучда бўлиб, бекор бўлмаганлиги сабабли кадастр йиғмажилди тайёрлаб берилганлиги, [REDACTED] кадастр йиғмажилди тайёрлаш вақтида фуқаро [REDACTED] 10.04.2023 йилда кадастр йиғмажилди тайёрланганлиги ва рўйхатдан ўтганлигини билмаганлиги, мурожаат раҳбарлар томонидан ижро учун топширилиши, мурожаатларни ҳудуд бўйича бўлиниши фуқаролардан норозилик мурожаатлари келиб тушса, шунда амал қилишлиги. қолган мурожаатлар ва хат-хабарлар кимга юклатилган шу ходим томонидан ижро қилиниши, ушбу низоли ер майдони аукцион савдосига қўйилиб, сотилганлигини низо келиб чиққанидан кейин билганлиги, ёш мутахассис бўлганлиги сабабли ва унга ўзбошимчалик билан эгаллаб, ноқонуний қурилиш қилинган майдонни бартараф этиш лозимлигини билмаганлиги, туман ҳокимнинг қарорида 0,64 га ер ажратилганлиги қўрсатилганлиги, шу сабабли чағиганлиги, қурилиш учун ажратилган ва ободонлаштириш учун ажратилган ер майдонларни ҳам ажратмаганлиги, хизмат текширувларида қўрсатилган ҳолатда фуқаро [REDACTED] номига кадастр йиғмажилди тайёрлашда Вазирлар Маҳкамасининг 22.06.2021 йилдаги 389-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 14-банди талаблари бузилганлиги, [REDACTED] туман ҳокимининг қарори билан 0,64 га ер майдони

ажратилганлиги сабабли, қурилиш қилса бўлади деб ўйлаганлиги ва шу жойда мавжуд, яъни амалда фойдаланиб турган майдони ва қурилишига кадастр йиғмажилди шакллантириб берганлиги, [REDACTED] номига кадастр йиғмажилди тайёрлашда туман хокимининг 30.07.2018 йилдаги 1768-сонли қарорига илова қилинган харитасида, ер участкаси ажратиб бериш қарорининг ажралмас қисми бўлган бош режадан кўчирмада, ер участкаси магистрал йўлга нисбатан 32 метр, магистрал йўлга параллел равишда 200 метр, шундан магистрал йўлга нисбатан 10 метр, магистрал йўлга параллел равишда 200 метр (10x200) 2000,0 кв.метр (0,20 га) майдонда қурилиш учун рухсат берилганлик ҳолатига эътибор бермасдан, 20 сотих майдонга қурилиш қилишга рухсат берилган деб ҳисоблаб, ҳужжатларни расмийлаштириб берганлиги, [REDACTED] кўчмас мулк объектга бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 32-моддасида белгиланган “ер участкасининг тасдиқланган плани ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатнинг ажралмас қисми бўлиб қолиши”- деб кўрсатилган талабига эътибор қилмаганлиги сабабли ушбу хатоликка йўл қўйганлиги, [REDACTED] мурожаати юзасидан бориб, ўрганиб, кадастр йиғмажилдини шакллантириб берганлиги, [REDACTED] танимаслиги ва у билан учрашиб, олдиндан ҳужжатларни сохталаштиришга жиноий тил бириктирмагалиги, рўйхатдан ўтказувчи XXXX билан ҳам жиноий тил бириктирмаганлиги, айби йўқлиги сабабли оқлов ҳукми чиқариш ҳақида кўрсатув берди.

Апелляция инстанцияси судида судланувчи XXXX Давлат кадастрлар палатаси [REDACTED] вилоят бошқармаси Кўчмас мулк объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлими бош мутахассиси вазифасида 2021 йил июль ойидан буён ишлаб келишлиги, хизмат вазифаларига кўчмас мулк объектларга бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва бошқалар киришлиги, хизмат текширувида [REDACTED] кўчмас мулк объектларга бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш Вазирлар Маҳкамасининг 29.12.2018 йилдаги 1060-сонли қарори билан тасдиқланган “Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 13-банди талабларига амал қилмасдан фуқаро [REDACTED] томонидан магистрал йўлнинг ҳимоя ҳудудидан эгалланган 82,5 м² ер майдони кадастр йиғмажилдига қўшиб берилган бўлсада, кўчмас мулк объектларга бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш низом талабларини бузган деб кўрсатилганлиги, фуқаро [REDACTED] кўчмас мулк объектларга бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан

Ўтказиш учун берган мурожаати Давлат хизматлар орқали келиб тушган ва уни ижро қилишлик учун ўзига юклатилганлиги, мурожаатни ўрганиш давомида электрон базада мавжуд кадастр ҳужжатларни, “Кўчмас мулк-3” дастурий базага юкланган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, [REDACTED] номига [REDACTED] автомагистрал йўли шоҳ кўчаси [REDACTED]-уй манзилида кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиб берганлиги, фуқаро [REDACTED] томонидан ўзбошимчалик билан, ноқонуний равишда эгалланган 82,5 м² ер майдони мавжудлиги ва у ерда қурилиш қилганлигидан хабари бўлмаганлиги ва бу ҳолатни вилоят прокуратурасида билганлиги, хизмат текширувларида кўрсатилган ҳолатда [REDACTED] кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказишда мен томонимдан ВМнинг 29.12.2018 йилдаги 1060-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 13-банди талаблари бузилганлиги, электрон базада мавжуд кадастр ҳужжатларни, “Кўчмас мулк-3” дастурий базага юкланган ҳужжатларни ўрганиб кўрганлиги, лекин туман ҳокимининг қарорига илова қилинган харитасини ўрганиб кўрмаганлиги, шу сабабли, бирламчи кадастр ҳужжатини шакллантирган Давлат кадастрлар палатаси [REDACTED] туман филиали кадастр муҳандиси ХХХ томонидан ўрганиш давомида аниқланган ва базага киритилган ҳужжатлар ва чизмалар билан чегараланганлиги, У.Сагдуллаевни кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказишда туман ҳокимининг 30.07.2018 йилдаги 1768-сонли қарорига илова қилинган харитани кўрганингизда, ер участкаси ажратиб бериш қарорининг ажралмас қисми бўлган бош режадан кўчирмада, ер участкаси магистрал йўлга нисбатан 32 метр, магистрал йўлга параллел равишда 200 метр, шундан магистрал йўлга нисбатан 10 метр, магистрал йўлга параллел равишда 200 метр (10x200) 2000,0 кв.метр (0,20 га) майдонда қурилиш учун рухсат берилганлигини билганида, бу ҳужжатни рўйхатдан ўтказмасдан, мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун қайтарган бўлишлиги, [REDACTED] кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 32-моддасида белгиланган “ер участкасининг тасдиқланган плани ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатнинг ажралмас қисми бўлиб қолиши”- деб кўрсатилган талабига эътибор қилмаганлиги сабабли ушбу хатоликка йўл қўйганлиги, [REDACTED] билан олдиндан ҳужжатларни сохталаштиришга жиноий тил бириктирмаганлиги, айби йўқлиги сабабли оқлов ҳукми чиқариш ҳақида кўрсатув берди.

Апелляция инстанцияси судида, гувоҳ [REDACTED], 2002 йил ноябрь

ойидан Давлат кадастрлар палатаси хизматида, Давлат кадастрлар палатаси [REDACTED] вилоят бошқармаси мутахассиси вазифасида 2020 йил декабрь ойидан ишлаб келишлиги, хизмат вазифасига ариза ва муурожаатлар, ташкилотлардан келган хатлар юзасидан ўрганиш ўтказиш ва тегишли хулосалар бериш киришлиги, 2024 йил февраль-март ойларида вилоят прокуратурасининг топшириғи билан Давлат кадастрлар палатаси ва кадастр агентлиги мутахассислари томонидан “М-39” автомагистрал йўли бўйида жойлашган [REDACTED] шаҳар ва [REDACTED] [REDACTED] туман қисмидан ўтувчи нотурар ва турар жой объектлари қонунийлигини ўрганганлиги юзасидан маълумотнома тузганлиги, маълумотнома асосида вилоят прокуратураси томонидан қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйган Давлат кадастр палатаси ходимларига нисбатан хизмат текшируви тайинланган ва хизмат текширувини ўтказишлик ўзига юклатилганлиги, хизмат текширувида [REDACTED] туман ҳокимининг 30.07.2018 йилдаги 1768-сонли қарори билан [REDACTED] 0,64 гектар ер майдони автомобилларга техник хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун ажратиб берилганлиги, қарорга илова қилинган харитада магистрал йўлга нисбатан 32x200 метр ободонлаштириш ҳудуди ва 10x200 метр қурилиш учун рухсат этилган бўлса-да, фуқаро [REDACTED] томонидан 33x12 метр 66 м² ортиқча қарор ва харитада белгиланган ҳудудидан ташқарига чиқиб ортиқча қурилиш қилганлиги, бу ҳолатга кадастр мутахассиси ХХХ томонидан 10.05.2023 йилда кадастр паспорт ҳужжати киритиб берганлиги, Давлат кадастрлар палатаси [REDACTED] вилоят бошқармасининг “Кучмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказишда юзага келадиган низоларни судга қадар ҳал қилиш комиссияси”нинг 18.07.2024 йилдаги йиғилишида [REDACTED] номида бўлган кадастр ҳужжатини бекор қилиш масаласи кўриб чиқилиб, [REDACTED] мазкур объектни 07.07.2023 йилда релтрлик идораси орқали фуқаро [REDACTED] сотганлиги сабабли [REDACTED] номига расмийлаштирилган кадастр ҳужжати юридик кучга эга бўлмаганлиги сабабли комиссия кўрмасдан қолдирганлиги, Давлат кадастрлар палатаси [REDACTED] вилоят бошқармасининг “Кучмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказишда юзага келадиган низоларни судга қадар ҳал қилиш комиссияси”нинг 18.07.2024 йилдаги йиғилишида “[REDACTED]” МЧЖ, “фуқаро [REDACTED] [REDACTED]” МЧЖлар номига расмийлаштирилган кадастр ҳужжатлари бекор қилинганлиги, ушбу йиғилишда бекор қилиш сўралган қолган кадастр ҳужжатлари ўз кучида қолдирилганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Апелляция инстанцияси суди, мазкур жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари тўлиқ олиб борилиб, суд муҳокамаси биринчи инстанцияси суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 439-448-моддаларига ҳамда Олий суд Пленуми қарорлари талабларига риоя қилган ҳолда олиб борилиб, ЖПК 22-моддасига кўра иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиб, юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқланган деб ҳисоблайди.

Ҳукмда баён қилинган суднинг хулосалари ишнинг ҳақиқий ҳолатларига тўла мос бўлиб, суд ҳукми ЖПК 26, 455-моддалари талабларига асосан жиноят ишида тўпланган ва судда текширилган ҳамда суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган ҳолда чиқарилган.

Судланувчи ХХХ, ХХХХ ва [REDACTED] юқорида баён этилган жиноятларни содир этганликдаги айблари, гувоҳ [REDACTED], [REDACTED] кўрсатувлари, жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан, жумладан: ариза, кўздан кечириш баённомаси, хизмат текшируви хулосалари, ҳужжатни олиб қўйиш баённомаси, ёзма далил деб эътироф этиш қарори, кадастр ҳужжатлари ҳамда жиноят иши бўйича тўпланган ва текширилган далиллар мажмуи билан тўлиқ тасдиқланган.

Апелляция инстанцияси суди, судланувчи ХХХ ва ХХХХнинг судда [REDACTED] билан олдиндан ҳужжатларни сохталаштирмаганликлари ва жинойий тил бириктирмагалиги, айби йўқлиги сабабли оқлов ҳукми чиқариш ҳақидаги важлари, ўзларининг судда берган кўрсатувларидан ташқари, судда сўралган гувоҳлар [REDACTED] ишнинг ҳақиқий ҳолати бўйича берган кўрсатувлари, ва жиноят ишида тўпланган ишончга сазавор далиллар билан рад қилинади.

Апелляция инстанцияси суди, судланувчи ХХХ ва ХХХХларнинг жинойий ҳаракатлари биринчи инстанцияси суди томонидан бир гуруҳ бўлиб ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган расмий ҳужжатларни тайёрлаши ёки расмий ҳужжатларни қалбакилаштиришда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 8-моддасида жиноят содир этишда

айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Биринчи инстанция суди, қайд этилган қонун талаби ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилган ҳолда судланувчи ХХХга жазо тайинлашда унинг айбига иқрорлик билдирмасада, оилавий аҳволини, муқаддам судланмаганлигини, оилада бир нафар фарзанди борлигини эътиборга олиб, ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” банди санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ва жиноятни хизмат вазифаси билан боғлиқ ҳолда содир этганлиги учун муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда қўшимча жазо тайинлаб, қонуний тўхтамга келган.

Судланувчи ХХХХга жазо тайинлашда унинг айбига иқрорлик билдирмасада, оилавий аҳволини, муқаддам судланмаганлигини, оилада бир нафар фарзанди борлигини эътиборга олиб, ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “б” банди санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ва жиноятни хизмат вазифаси билан боғлиқ ҳолда содир этганлиги учун муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда қўшимча жазо тайинлаб, қонуний тўхтамга келган.

Юқорида баён этилганларга кўра, апелляция инстанцияси суди суднинг судланувчи ХХХ ва ХХХХларга нисбатан чиқарилган ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция тартибидаги шикоятларини қаноатлантиришсиз қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 482, 483, 497¹⁷, 497²⁶, 497³¹-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси суди ажрим қилади,

а ж р и м

Жиноят ишлари бўйича [REDACTED] туман судининг 2024 йил 16 октябрдаги XXX ва XXXXга оид ҳукми ўзгаришсиз, апелляция тартибидаги шикоятлари қаноатлантиришсиз қолдирилсин.

Раислик қилувчи:
Ҳайъат судьялари:

ИМЗО
ИМЗО
ИМЗО

[REDACTED]

Аслига тўғри:

[REDACTED]